



## Ташаббус ҳамisha ибрат ва ўрнак бўлади

2-с.

## Интилиш ва истақ ишончга айланди

Кимдадир маблағ йўқ, кимдадир ишонч. Ҳар бири билан индивидуал ишладик. Субсидия ва кредит ажратдик.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
11 январь,  
шанба

# Маҳалла

№3  
(2227)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### Тадбиркорлик қилмоқчи, аммо кредит фоизи баланд

“Кўпинча йигит-қизлар мактабни битириб, ишни нимадан бошлашни ўйлаб қолишади. Ёнимга келиб, маслаҳат сўрашади. Аксариятига имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликни бошлашни тавсия қиламан. Бироқ уларнинг кўпчилиги кредитлар фоизи баландлигини айтади”.

4-с.

### “Маҳалла банкири” иш бошлади

Президент ташаббуси билан жорий йилнинг 1 февралига қадар аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича туман банклари филиалларида “маҳаллабай” ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга “маҳалла банкирлари” тайинланади. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган “ёрдамчи-агентлар” танлаб олинади.

5-с.

### “Разгон”: фарибгарлар фариби янгича тус оляпти

Трейдерлик фаолияти бевосита биржа савдолари билан боғлиқ бўлиб, унда муайян қонун-қоидалар, молиявий билимларга таянган ҳолда савдо операцияларни амалга ошириш лозим. Акс ҳолда пулларингиздан айрилиб қолишингиз мумкин. Чунки биржа савдолари таваккалчиликка асосланган. Шу сабабли айни мавзу бўйича турли хил хабарларга алданиб қолманг.

6-с.

### Даво вақтида бўлса, асорати бўлмайди

Ҳар йили 30-50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераз занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Манфий натижа аниқланганда, улар 10 йилдан сўнг қайта текширувдан ўтказилади. Натижа мусбат бўлганда қўшимча текширувга йўналтирилади.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



## ФАРОВОН ТУРМУШ САРИ ИЛДАМ ОДИМЛЯПМИЗ

“Одимизда турган энг биринчи масала – маҳаллалардаги ҳақиқий ҳолатни, камбағалликда кун кечираётган, ҳар томонлама кўмакка муҳтож аҳоли қатламини аниқлаб олишдан иборат. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда вазиятни ўрганиб, фуқаро ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама камбағал деб топилганда, мутахассислар “фуқаробай” шаклда индивидуал дастур ишлаб чиқишади. Кимгадир психологик ёрдам керак, кимнингдир фарзанди тиббий кўмакка муҳтож”.

7-саҳифада.



МАҚСАД

## “Маҳалла тўғрисида”ги қонун — зарурат!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилганига бир йил бўлганига қарамай, маҳаллаларда эзгу ташаббуслар илгари сурилди.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини тартибли йўлга қўйиш орқали аҳоли муаммолари йиғиннинг ўзида ечим топишига шароит яратилди.

■ Санжар ИСМАТОВ.

Уюшма 2025 йилда ҳам қатор мақсадларни ўз олдига қўйган. Хусусан:

• янги таҳрирдаги “Маҳалла тўғрисида”ги қонун ҳамда “Маҳалла раиси сайлови тўғрисида”ги қонун қабул қилинади;

• маҳаллани 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилади;

• 2025 йил февраль-май ойларида 9 452 та маҳалла раислари сайлови ўтказилади;

• Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 500 та кам таъминланган оила уйларига ҳамда чекка ҳудудлардаги 1 000 та маҳалла биноларига қуёш панеллари ўрнатилади;

• бориш қийин бўлган, чегара ва тоғли ҳудудларда

жойлашган 2 300 та маҳаллада аҳолига онлайн хизматлар кўрсатиш бўйича инфокиосклар ўрнатилади, хизматлар сони 100 тага етказилади;

• 1 000 тадан ортиқ “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилади, аҳоли кўрсатилаётган хизмат турлари 23 турдан 31 тага ошади;

• “маҳалла еттилиги” аъзоларини лавозимга тайинлаш, лавозимидан овоз этиш ва бошқа ҳудудларга ротация қилишни маҳалла раиси билан келишилган ҳолда амалга ошириш тизими йўлга қўйилади.



ТАШАББУС

## “Энг яшил маҳалла”га 500 миллион сўм!

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳаси эълон қилинди.

Аҳолисининг ярми “яшил оила” мақомини олган маҳаллаларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловлари ўтказилади. Ғолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига болалар майдончасини қуриш, яшил боғ яратиш ҳамда чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш ва чиқинди контейнерларини ўрнатишга 500 миллион сўм ажратилади.

Маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш борасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 миллион туп дароҳт ҳамда буталар экилади. “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилади.

Бу жараёнда бир сутка давомида камида ўн минг қаддам юриш тарғиб қилинади. Юқори кўрсаткичларга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақоми берилиб, улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмол кредитини олишда чегирма тақдим этилади.

Оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақомини олганда, ушбу оиллага “яшил оила” мақоми берилиб, бундай оилалар ўртасида ҳар йили лотерея орқали 14 та электромобиль ўйналади.

ЎЗБЕКИСТОН  
2030



**Давлат дастури лойиҳасига кўра, 32 та шаҳарда пиёда ва велосипедда сайр қиладиган "СОЯЛИ САЙР КЎЧАЛАРИ" тармоғи яратилади.**



**64 та маҳаллада дарахтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали СУФОРИШ ТИЗИМИ жорий этилади.**



**"ЯШИЛ ТАДБИРКОР" платформаси ишга туширилади ва уларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилади.**

ТАЖРИБА

# Ташаббус ҳамиша ибрат ва ўрнак бўлади

**Маҳалланинг ўсиш нуқтаси тўғри танланса ва қўллаб-қувватланса, натижа қутилганидек бўлади. "Драйвер"имиз — боғдорчилик ва чорвачилик. Бунинг ортидан маҳаллада яшовчилар бандлиги таъминланиб, яхши даромад топяпти.**

**■ Фарҳод МАМАТОВ, Тўрақўрғон туманидаги "Тошлоқ" маҳалласи раиси.**

Изланган, ҳаракат қилган одам кам бўлмайди. Маҳаллада яшовчи Турдимат Мирзақуллов ана шундай ҳаракати ортидан кадр топганлардан. Ховлисидаги 3 сотих майдонда қўйхона қуриб, чорвачилик йўналишида фаолият бошлаган. Хозир ўртача 100 бош қўй сақлайди. Шунинг ортидан рўзгор бўтлиги, оила фаровонлиги таъминланган.

Дарҳақиқат, охириги 2 йилда чорва билан шуғулланганидан 20 нафар йирик тadbirkor пайдо бўлди. 511 та хонадоннинг қай бирига кирсангиз, албатта, олди 50-100 бошгача, аксариятида ўртача 4-5 бош қўй парваришланаётганига гувоҳ бўласиз. Уларга кредит бериш ва тажрибали тadbirkorларга бириктириш орқали соҳани оммалаштирдик. 11 гектар ер ижара асосида фойдаланиш учун ажратилди. Йил бошида рўйхатга олинган 60 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Ишсиз сифатида рўйхатга олинган Турсуной Исоқова қўлида хунари бору имконияти йўқ эди. Унга тикув машинаси олишда кўмаклашдик. Зоҳида Маҳкамовага чорвачилик йўналишида кредит ҳисобидан 6 бош қўй берилди. Зарифа Жўраева 10 миллион сўм маблағ эвазига паррандачилик йўналишида фаолият бошлади.

Ўз навбатида инфратузилма яшиланиб борапти. Хашар йўли билан 3,2 километр ички йўл тўлиқ асфальтланди. Ҳомийлик асосидаги



маблағни шакллантиришга маҳалла тadbirkorлари биринчилардан бўлиб қўл қўзиди. Чорвачилик билан шуғулланиб келаётган

Абдумажид Қорабоев, Ҳайдарали Мирзақуллов, ака-ука Турдимамат ва Нейматилла Нуриддиновлар ташаббусига бошқа фуқаролар қўшилди.

Ҳўжалик моллари дўконидан иш юритаётган Муҳибилло Пулатов йўл четларини текислаш ва ариқларни бетонлашга ўз ҳисобидан 24 тонна цемент ажратди. Пудратчи ташкилот — "Фарғона обод йўллари" хусусий корхонасининг техника ва йўлсозларига маҳалла ёшлари ёрдамлашди. Бу ташаббусимиз бошқа маҳаллаларга ибрат бўлди. Масалан, "Сарой" маҳалласи аҳолиси бирлашиб, йўлларни асфальтлади.

**■ Давлат дастури асосида беш юзга яқин хонадоннинг кафолатланган обихаёт билан таъминланиши кўпчилиқда шукроналик ҳиссини кучайтирди. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Жўмладан, жорий йилда 3,2 км. узунликдаги электр тармоғини янгилашни режа қилганмиз.**

МУЛОҲАЗА

## САЙХУНОБОДДА ЦИТРУС ТРОПИК КЎЧАТЛАР ПАРВАРИШ ҚИЛИНЯПТИ

**■ МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?**

"Сайхунобод тажрибаси" ердан янада самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор тошишга кўмаклашиш, тadbirkorларнинг сифатли уруғ ва дори воситалари билан таъминлаш, маҳсулот экспортга амалий ёрдам бериш, ерга муносибатнинг шакллантириш каби муҳим ислохотларни ўз ичига олади.



Сайхунобод туманидаги "Иттифок" маҳалласида бу борада ижобий ишлар амалга ошириляпти. Носиржон Дўстматов "маҳалла еттилиги" кўмағида 40 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, хонадонидagi 2 сотих томорқага иссиқхона қурди.

— Бу ерда 2 нафар келиним, ўғлим ва ўзим доимий банд бўлганмиз, — дейди Носиржон Дўстматов. — Гулчилик билан шуғулланяптим. Бу ерда 10 минг тул пальма ва 1 000 тул қимматбаҳо арча кўчатлари етиштиряптимиз. Дастлабки кутилаётган даромад 60 миллион сўмдан зиёд. Шунингдек, жорий йилда балиқчиликни йўлга қўйишни режа қилганмиз.

Дарҳақиқат, "Сайхунобод тажрибаси" асосида аҳоли томорқасида сабзи, саримсоқ, пиёз, картошка, қарам, қулупнай каби кундалик эхтиёж учун зарур экинлар, турли гуллар экиб, парваришляпти. Бундан ташқари, хонадонларда томорқага олма ва ток кўчатлари, уларнинг орасига турли кўкат уруғи қадалган. Кўшимча равишда товуқ, қуён, асалари ва соғин сиғир боқилмоқда. Пировардида бу омиқкорлик оилалар даромадини ошириб, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни таъминляпти.



## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАГИ НОҚУЛАЙЛИК ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

2025 йил 1 январдан Тошкентда автобусга нақд пулда тўлов қилиш тўлиқ тугатилди. Бунинг учун фақат инфокиосклар орқали 3 минг сўмга бир марталик чипта олиш ёки АТТО, банк қаргалари, мобил иловалар орқали тўлов қилиш йўлга қўйилди. Метродан фойдаланувчилар учун йўл қира ҳақи нақд пулда амалга оширилса, картадагидан фарқли бўлди.

**■ Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

Аввало, таъкидлаш кераки, электрон тўлов бир қатор афзалликка эга. Биринчиси, йўл ҳақи 1 700 сўмни ташкил қиладди. Бир соат ичида бир нечта автобуслардан фойдаланилса, янада арзонлашади. Масалан, 1 мартасига 1 700 сўм, 2 мартасига 700 сўм, 3 мартасига бепул. Энг муҳими, барча йўловчилар карта орқали тўловни амалга оширишга ўтса, нақд пул муомаласига чек қўйилади. Автобусларда чипта сотувчига эхтиёж қолмайди.

Бу каби янгилик аҳолига ноқулайлик туғдирмаслиги керак. Аммо юқоридаги ўзгариш ортидан йўловчилар автобус ва метрода йўл ҳақи тўловини амалга оширишда муаммага дуч келяпти. Масалан, автобус хизматида фойдаланаётган мижозлар чипта сотиб олишда қийналяпти. Чунки барча бекатда бир марталик QR-чипта олиш шохобчаси мавжуд эмас. Тўғри, мобил иловани юклар олса, муаммо ҳал. Лекин ҳаммада қўл телефон, ин-

тернет бўлмаслиги мумкин-ку?!

Улар нима қиладди? Яна бир ноқулайлик — 3 минг сўмлик чипта сотиб олиш учун банкوماتга 1 000 сўмлик қўйиш лозим. Тангалар қабул қилинмайди. Шундай вазиятда сиз 5 ёки 10 минг сўм орқали тўлов қилишга мажбурсиз. Банкومات қайтишни нақд бермайди. Қолаверса, бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп чипта сотиб ололмайсиз. Ҳар бири учун алоҳида тўлов амалга ошириш керак.

Метродаги тўловларни офлайн шаклда АТТО ва бошқа қаргалар ёрдамида бажарса бўлади. Бироқ онлайн карта орқали муаммолар қузатиляпти. Маълумки, бу тўлов турида 3 хил имкониятга эга бўласиз. Биринчиси юз, иккинчиси қафт, учинчиси онлайн картадаги QR-чипта орқали тўлов қилиш мумкин. Лекин айни пайт фақат "Буюк ипак йўли" ва "Мустақиллик майдони" бекатидан юз орқали тўлов имконияти бор. Қафт билан бажариладиган хизмат "Олмазор", "Чилонзор", "Мирзо Улуғбек", "Новза", "Миллий боғ", "Халқлар дўстлиги", "Пахтакор", "Мустақиллик майдони", "Амир Темура хибони", "Ҳа-

мид Олимжон", "Пушкин", "Буюк ипак йўли" бекатларида мавжуд ҳолос. Барча бекатларда онлайн чипта орқали тўлов амалга оширишга қўйилган интернетга уланган бўлиши шарт. Метрополитеннинг бепул интернет тармоғи тўлақонли ишламайди. Тезлик жуда паст.

Хўш, жамоат транспорти тўловидаги бу каби муаммолар қачон барҳам топади?

— **Хизматлар янгилик сифатида жорий этилган, — дейди "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонаси матбуот хизмати раҳбари Тўйчи Мирзаев.** — Шу сабабли юқоридаги камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳозирда "Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори" компанияси ва "Uzinfoсot" ташкилоти ҳамкорликда ноқулайликларни бартараф этиш устида ишлаяпти. Муаммолар босқич-ма-босқич ҳал этилади. Бунинг учун озроқ вақт керак. Бепул Wi-Fi тизими фақат ер ости метро бекатларида мавжуд бўлиб, чиндан тезлик паст. Юқоридаги эътирозлар ўринли. Уни бартараф этиш юзасидан режа ишлаб чиқамиз.

**Умид қиламизки, жамоат транспортдан фойдаланиш жараёнидаги ўзгаришлар тез фурсатда яқинлашиб, ноқулайликлар барҳам топади. Чунки ҳар қандай ўзгариш ва янгилик, аввало, аҳолига қулайлик яратиши керак.**

## ЁЛГИЗ онага имтиёз борми?

**■ МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Жобирхон АЛИХОНОВ, Янги Наманган туманидаги "Бунёдкор" маҳалласи раиси.**

— Маҳаллада яшовчи 2 нафар вояга етмаган фарзандини парваришляётган ёлғиз она собиқ турмуш ўртоғидан алимент ундириш бўйича судга мурожаат қилмоқчи. Аммо молиявий имконияти чеклангани учун давлат божни тўлаётган. Бу масалада унга имтиёз борми?



**Абборбек ЭЪЗОЗХОНОВ, "Мадад" ННТ ҳуқуқшуноси:**

— Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бож тўғрисида"ги қонунда Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод этиладиган шахслар рўйхати келтирилган. Унга кўра, даъвогарлар алимент ундириш тўғрисидаги даъво юзасидан судларга мурожаат қилганда давлат божидан озод этилади.

Демак, болалар онада бўлса ва она судга алимент учун ариза берса, бож тўламайди. Лекин бу — судга умуман бож тўланмайди, дегани эмас. Суд алимент ундириш бўйича қарор чиқарганидан сўнг белгиланган сумма жавобгардан ундирилади.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестрида киритилган давлат бож суммаси, сумма тўланганилиги ҳақидаги ҳужжатнинг санаси ва рақами кўрсатилади. Тўловчилар давлат божини тўлашдан озод этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйлади, бундан пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномаларни тасдиқлаш ҳоллари мустасно.



2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭКО ЭКСПО” халқаро кўргазмаси ташкил этилади.



Чиқиндилар утилизацияси, шамол ва қуёш манбаларидан ишлаб чиқилган электр энергияси учун “ЯШИЛ ТАРИФ”лар жорий этилади.



Пахта ва ғалладан бўшаган камида 100 минг гектар ер майдони деҳқончилик учун 200 МИНГ НАФАР аҳолига берилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## КРЕДИТ ТАРИХИНИ ҚАЕРДАН ОЛСА БЎЛАДИ?



Нодирбек САДРИДДИНОВ,  
Бўка тумани:

— Тадбиркорлик билан шуғулланман. Яқинда фаолиятимни кенгайтириш мақсадида кредит олиш учун банкка мурожаат қилдим. Маълум муддат ўтгач, аризам рад этилди. Мутахассисларнинг билдиришича, кредит тарихим ёмон чиқибди. Қонунга қўра, қандай ҳолда кредит тарихи ёмон ҳисобланади? Бу маълумотни мустақил тарзда олсам бўладими?

Севара УРИНБОЕВА,  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги медиа маркази раҳбари:

— Ҳа, кредит тарихингизни мустақил тарзда олсангиз бўлади. Ҳар бир шахнинг кредит тарихи скоринг тизими асосида баҳолаб борилади. Унда баллингиз қанча юқори бўлса, кредит олиш учун берган аризангиз ижобий ҳал бўлиши эҳтимоли шунча юқори.

Кредит ҳисоботини бир йилда (365 кун) бир марта бепул ва тўлов асосида чекланмаган миқдорда InfoKredit.uz расмий сайти ёки my.gov.uz портали орқали олиш мумкин. My.gov.uz портали орқали 16 875 сўм тўлов қилади.

Кредит бюросининг скоринг бали куйидагича тавсифланади:

- 400-500 баллик натижа "А" гуруҳига мансуб. Бу "аъло" кредит тарихи ҳисобланади. Хавф даражаси кичик бўлгани учун аризага эътирозсиз кредит ажратилади;

- "Б" гуруҳига кирганлар 300-399 балл эгасидир. Уларнинг хавф даражаси пастиги учун яхши тарих сифатида малакаланади. Қарз олувчига стандарт шартлар асосида маблағ берилиши мумкин;

- 200-299 балл "С" гуруҳи бўлиб, хавф даражаси ўртача баҳоланади. Қарз берувчига кредит тарихини ўрганиш тавсия этилади. Чунки бу гуруҳдагиларда салбий ва ижобий омиллар мавжуд;

- "Д" гуруҳи ҳисобланган 100-199 балликларнинг скоринг бали ўртачадан паст бўлиб, уларга кичик миқдордаги кредит тақсимлаши мумкин;

- "Э" гуруҳига мансуб 0-99 балл эгаларининг натижаси қониқарсиз. Қарз олувчининг муддати ўтган қарзи ёки салбий кредит тарихи мавжуд. Бу хавф юқори эканини кўрсатади.

Эслатиб ўтамиз, кредит тарихи қарздорнинг сўнги беш йил ичидаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Демак, қарзингизни ҳар бир кечиктириб тўлаган пайтларнинг ҳаммаси 5 йилгача сақланиб қолади. Бу 5 йилгача кредит ололмастлигингизга сабаб бўлиши мумкин.

## ИНТИЛИШ ВА ИСТАК ИШОНЧГА АЙЛАНДИ

ТАЖРИБА



Отамурод ЖУМАНОВ,  
Урганч туманидаги "Қўнғирот" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳаллада 4 минг 92 нафар аҳоли истиколат қилади. 263 та хонадон чорвачиликка, 91 та хонадон паррандачиликка, 3 та хонадон асаларичиликка, 311 таси деҳқончилик, боғдорчилик, иссиқхоначиликка, 4 та хонадон хизмат кўрсатишга ихтисослашган.

Маълумки, ишсизлик катта муаммоларга сабаб бўлади. Шу сабабли аҳоли бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифага айланган. Иш фаолиятимда асосий эътиборни ишсизлик даражасини камайтиришга қаратяпман.

Дастлабки вақтда осон бўлмади. Хатловда аниқланган ишсизлар орасида ҳаракат қилса, яхши даромад топиш имкониятига эга фуқаролар кўп эди. Масалан, аксариятининг томорқаси бўш ётибди. Шу ерда деҳқончилик қилса, иссиқхона ташкил этса, муаммо ҳал. Аммо кимдадир маблағ йўқ, кимдадир ишонч. Ҳар бири билан индивидуал ишладик. Маблағи йўқларга субсидия ва кредит олиш тушунтирилди. Иккинчи тоифадагиларга илғор тажрибалар ибрат қилиб кўрсатилди. Улардаги интилиш, истак ишончга

айланди. Саъй-ҳаракатлар самарасини ўтган йилги натижада кўриш мумкин. Турли йўналишларда имкониятимизни ишга солиш ҳисобига 2024 йилда 811 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 38 нафари миграциядан қайтганлар. 361 нафар ишсиз фуқаро доимий ва мавсумий ишга жалб этилган бўлса, қолганлар ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорлик йўналишида фаолиятини бошлади. Деҳқон хўжалиги ташкил этган 104 нафар талабгорнинг 4 нафарига субсидия, 62 нафарига имтиёзли кредит, 39 нафарига ер майдони ажратилди. 30 та микро-лойиха ишга туширилди. Жумладан, паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик, хизмат кўрсатиш йўналишидаги микролойихалар молиялаштирилди.

Қувонарли жиҳати шундаки, бандлиги таъминланган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган фуқаролар нафақат ўзи ва оила аъзоларини, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаётди.

Тараннум кўчасида яшовчи Зубайда Нурлаева "Аёллар дафтари"да ишсизлар рўйхатида турарди. Унга асаларичилик йўналишида 25 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бу маблағ

эвазига жами 10 та асалари уяси сотиб олди. Ҳозирда йиллик даромади 30 миллион сўмга етди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида режа ишлаб чиқилган. "Маҳалла еттилиги" кўмагида ҳар бир хонадоннинг иқтисодий аҳолини ахшилаш, оилавий даромадини оширишга эришяпмиз. Ўсиш нуқтамаздан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришга интиляпмиз. Биргина иссиқхона йўналишида 3 хил турдаги маҳсулот етиштириляпти. Даромад 100-150 миллион сўмини ташкил этяпти.

Нуриддин Йўлдошев 5 сотихли иссиқхонада йил давомида 4 марта ҳосил олишга эришяпти. Энг муҳими, оиланинг асосий даромади шу ердан. Помидор, бодринг, қулундай етиштиряпти.

Миграция бўйича тизимли ишлаяпмиз. Мисол учун, хорижда меҳнат қилаётган Биллур 1-тор кўчасида яшовчи Раҳматжон ва Отабек Абдуллаевнинг оиласи бағрига қайтаришга эришдик. Ҳар иккови доимий ишга жойланди.

Юқоридаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2024 йилда 38 нафар хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар оиласи бағрига қайтди. Ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айландик.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## ТАЖРИБА АЛМАШИШ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЗАМИН ЯРАТДИ

Арносой туманидаги "маҳалла еттилиги" вакиллари Деҳқонobod туманида бўлиб, каврак ўсимлигини етиштириш ва касаначиликни ривожлантириш борасида тажриба алмашдилар.

Дастлаб "Бўстон" маҳалласидаги касаначилар фаолияти билан танишилди. Айти пайтда марказда чопончилик, тикувчилик, гиламчилик, каштачилик, кўрпа ва кўрпача тикиш бўйича "устоз-шоғирд" аънаси йўлга қўйилган. 120 нафардан ортиқ хотин-қиз маҳоратли хунармандлардан сабоқ оляпти. Шундан сўнг, каврак етиштиришга ихтисослашган 12 та маҳалла тажрибаси ўрганилди. Бу соҳа худуднинг "драйвери" ҳисобланади.

Меҳмонлар "Янги Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи Юсуф Жўраев хонадонидан каврак ўсимлигини етиштиришдан тортиб, маҳсулот олишгача бўлган жараён билан танишишди.

— *Тажриба алмашиш жараёнида кўп янгиликларга эга бўлдик, — дейди Арносой туманидаги "Бўстон" маҳалласи расми Файзулло РАҲМОЛОВ. — Каврак маҳсулотини ҳар биттасидан 5-10 граммгача ҳосил олиш мумкин экан. Бир килограмми бозорда 300 доллардан сотилади. Шу боис маҳаллада каврак етиштириш тажрибасини йўлга қўйиб, камбағал оилаларнинг бандлигини таъминлашга эришмоқчимиз.*



## Карталар сонини чеклаш фирибгарликнинг олдини оладими?

Марказий банк банклар томонидан битта жисмоний шахсга (битта ЖШШНПга) карталар сонини битта банкда 5 тагача, барча банкларда 20 тагача эмиссия қилиш мумкинлиги бўйича вақтинчалик тартиб ишлаб чиқди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Мазкур тартиб хизмат доирасида фойдаланиш учун бўлиб, тижорат банкларига ижро учун жўнатилган. Амал қилиш муддати 2025 йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар этиб кўрсатилган.

Катта эҳтимол билан бу ўзгариш ва чеклов фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган. Англаганингиздек, ният эзгу. Аммо бу билан муаммо ҳал бўладими?

Мутахассислар фикрига қўра, вақтинчалик тартиб қўтилган натижани бермайди. Чунки фирибгарларнинг 20 тадан ортиқ картага ҳужум қилиш эҳтимоли кам. Киберҳужумлар, одатда, асосий картага қаратилади. Шу сабабли банк карталари хавфсизлигида

асосий эътибор киберҳавфларга қаратилиши лозим!

Асосий картада доим маблағ бўлади ёки унда пул айланади. Шунинг учун фирибгарларга асосий карта қизикарлик ва фойдали объект ҳисобланади. Ҳақиқий хавф жуда



кўп карталар очилиши эмас, балки уларнинг хавфсизлик даражаси билан ўлчанади. Шу боис хавфсизликни қучайтириш учун фойдаланувчиларнинг асосий карталарига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қўшимча карталарнинг сони чекланиши билан фирибгарлик ҳолатлари камаймаслиги мумкин.

Чунки фирибгарлар асосий пул айланмалари бор карталарни нишонга олади.

Юқоридаги фикр қанчалик асосли? Марказий банк департаменти раҳбари Акмалжон Назаровнинг таъкидлашича, бу тартиб фуқаролар хавфсизлигини ўйлаб, фирибгарларга алданиб қолмаслиги учун ишлаб чиқилган.

Карталар сони кўп бўлгани учун фуқаролар гоҳида қанча пул чиқиб кетганидан беҳабар қоляпти. Ўз картасига бошқа бировнинг картасидан пул келиб тушгани ва у хорижда чиқиб кетганини сезмай қилиш натижасида билиб-билмай фирибгарнинг шеригига айланапти.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, фирибгарлардан ҳимояланиш учун макбулроқ чоралар кўриш керак. Масалан, биринчи навбатда фуқаролар ўртасида молиявий саводхонликни ошириш, оғоҳликка даъват этувчи тарғибот тадбирларини кўпайтириш лозим.



Ўзбекистонда кўш ва шамол электр станциялари учун МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР етказиб берилди.



Малайзиядаги Беруний ва Фирдавсийнинг ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ нусхалари юртимизга келтирилади.



Меҳнати самарали деб топишган тиббиёт ходимларига УСТАМА ТЎЛНАДИ.

МАНЗАРА

# Тадбиркорлик қилмоқчи, аммо кредит фоизи баланд

Маҳалламиз аҳолисининг тахминан 40 фоизи хунармандчилик, устачилик билан шугулланади. Ота-оналар фарзандлари замонавий касбларни эгаллашга қадар уларни кафел терини, эшик-ром ясаши, ўрнатилиш бўйича моҳир усталарга шогирдликка беради.



Аминжон СУБҲОНОВ, Самарқанд туманидаги “Бадал” маҳалласи ёшлар етакчиси.

хунар ўрганади. Хозир хонадонларга бир-биридан чиройли нақшинкор эшик-ромлар ўрнатиб, одамлар орасида танилган уста-ёшларимиз талайгина. Амир Абдуҳалимов ушбу хунар орқали кўпчилигини эътиборига тушган. “Хунар – туганмас

бойлик”, деб бекорга айтилмаган. Хунари ортидан бу йигит яхшигина даромад қилади. Утган йилнинг ўзида автомашина сотиб олди, оила қурди. Ёнига шогирдлар олиб, одамларга қулай нархда беминнат хизмат кўрсатяпти. Анчадан буён эшик-

ром яшаш сирларини ўрганиб, ниҳоят ўзи яқка иш бошлашни ниҳат қилган Бекзод Абдуллаевга имтиёзли кредит асосида керакли ускуналарни олиб бердик. Хозир уйда кичкинагина хусусий корхона ташкил этган. Яқинда иш бошлаган бўлса-да, 3 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади. Кейинчалик фаолиятини кенгайтирмоқчи, мен ҳам маҳалламиздаги яна бир нечта ишсиз ёшларни унга бириктиришни кўзлаб кўйдим. Етакчилик фаолиятини бошлаганимда бошида қийин бўлди. Ишни, аввало, ёшларни хатловга олиб, тоифаларга бўлиб олиш орқали уларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиш билан бошладим. Раҳбарлар ва ёшлар ўртасида мулоқот йўлга қўйилди. Масъул шахсларнинг йигит-қизлар муаммоси юзасидан шахсан улар билан учрашувлари ташкил этилгани масалаларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, “Ёшлар дафтари”даги бир нафар ёшнинг даволаштиш харажати ва яна бир нафарнинг сафарбарлик чақирув резерви маблағи тўлаб берилди. Миграциядан қайтган 7 нафар ёш билан учрашиб, уларни қийнаётган масалалар юзасида суҳбат қилдик. Шундан бир нафари хорижда

иши яхши бўлгани сабаб ортга қайтди. Қолгани шу ерда ишлашни маъқул кўрди. Уларни худуднинг ўзида доимий иш билан таъминлади. Айримларига чорвачилик ва деҳқончиликни бошлаши учун имтиёзли кредит олиб берилди. Ижтимоий ходим билан ҳамкорликда 11 нафар ногирон ёшга моддий кўмак бериб, ишлашга лаёқати бўлганларининг бандлигини таъминлади. Бир нафарига эшитиш мосламаси олиб берилди. Меҳнатга лаёқати бор қизимизга тикувчилик хунарини ўргатиб, тикув машинаси тақдим этдик. У оиласига даромад олиб кириб, ёрдам бераётганидан мамнун. Кўпинча йигит-қизлар мактабини битириб, ишни нимадан бошлашни ўйлаб қолишади. Ёнимга келиб, маслаҳат сўрашади. Аксариятига имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликни бошлашни тавсия қиламан. Бироқ уларнинг кўпчилиги кредитлар фоизи баланглигини айтиб, уни тўлашга кўзи етмаётганини билдиради. Ёшлар фикридан келиб чиқиб, энди иш бошлаётган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, улар учун имтиёзли кредит фоизини камайтиришни таклиф этаман. Шунда уларнинг ўзига бўлган ишончи ортиб, фаолиятини бошлашида ҳеч қандай ваз бўлмасди.

Болалар мактаб давридан бошлаб, ўқишдан бўш вақтида катталарга ёрдамлашиб,

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ:

## ЕТИМ БОЛАЛАРДАН МЕХРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК!

Меҳрибонлик уйда бўлганми-сиз? Болаларнинг нигоҳига назар ташлаб, улар билан мулоқот қилганми-сиз? Ҳеч бир инсон бу ерга бормай туриб, тарбияланувчиларнинг ҳолатини, хис-туйғусини ўз танасида хис эта олмайдми.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Нимани ўйлаб, нимани сўзлаётганига эътибор берсангиз, улар хали болаликнинг беғубор даврлари тугамай, эрта улғайиб қолганига гувоҳ бўласиз...



Албатта, ҳар бир гўдак бу ёруғ дунёга келар экан, унга ҳамма ота-онаси бағрида яйраб ўссин, бахтли-саодат-

етимликка маҳкум қилган. Натижада Меҳрибонлик уйда улғаяётган болалар кўнглида оилага бўлган интилиш, ота-она соғинчи йиллар давомида ўксиниш туйғусини пайдо қилади. **Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш — бугун асосий масалага айланди.**

“Болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да”ги Президент фармонида кўра, **2025 йил 1 январдан бошлаб**, Меҳрибонлик уйлари ва болалар уйларида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини вақтинчалик қабул қилиш тартиби бекор қилинди. Босқичма-босқич Андижон вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилоятида кичик ҳажмли болалар уйи ташкил этилади.

**2025 йил 1 февралдан бошлаб**, фарзандини тарбиялашдан воз кечмоқчи бўлган оналар, шу жумладан, ҳомилдор аёллар учун болалар уйларида “Оналар маскани” хизмати йўлга қўйилади. Бу ерда оналар ва уларнинг болалари (4 ёшга

тўлмаган) 1 йилгача бўлган муддатга ижтимоий шартнома асосида вақтинча бошпана билан таъминланади. **2025 йил 1 мартдан бошлаб**, ёлғиз она (ота)га бир нафар фарзанди учун бола 3 ёшга тўлганига қадар мактабга таълим хизматидан фойдаланиш учун БҲМнинг 1 ярим бараваригача (562 минг 500 сўмгача) миқдорда моддий ёрдам берилди (бунда моддий ёрдам эгизакларнинг ҳар бири учун берилди).

Ижтимоий етимликнинг олдини олишдаги яна бир тажриба, бу — **болаларни тутинган оилаларга бериш шаклидир**. Бу орқали болалар ҳақиқий оила муҳитида камолга етади, ота-она меҳрини хис этиб улғаяди. Шу мақсадда Президент фармонида асосан, **2025 йил 1 февралдан бошлаб**, оилавий болалар уйини ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат тўлиқ оила бўлиши талаби бекор қилинади. 30 ёшга тўлган фуқароларга оилавий болалар уйини ташкил этишга рухсат этилади.

Ижтимоий химояга муҳтож болалар оилага тарбияга (патронат) фақат уларнинг қариндошларига берилди. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш харажатлари, оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга болани тарбиялагани (парварিশлагани) учун ажратиладиган маблағлар тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус

ФИКР



ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлашга қадар тақдим этилади.

**Рақамларга эътибор берилса**, шу йилнинг ўзида меҳрибонлик ва болалар уйларида 300 нафар ўғил-қизлар оилавий муҳитга қайтди. Хозирда оилавий муҳитдан ажралган ҳолда таълим-тарбия олаётган яна 500 нафар бола бор. Президент Шавкат Мирзиёев топшириғи асосида масъул идоралар Миллий гвардия таълим асосида 500 нафар болани оилавий болалар уйига жойлаштириш ва таълим олиши учун шароит яратди.

Халқимиз тарихдан ҳамisha болажон ва фарзандларга меҳрибон бўлиб, **“Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”** тамойили асосида яшаб келган. Бундай болажон халқда камол топган ўғил-қизлар энг сара қўриқларга эга бўлишган. Шундай экан, бугун ҳам ҳар бир инсон ўз олдида жамиятга келтиришни ўйлаб, шу мақсадда қадам босса, албатта, юқоридаги каби жамиятнинг оғрикли нукталарига ечим топилади. Ҳар биримиз ўз меҳру муҳаббатимизни қаровсиз қолган, ота-онасиз бўлган болаларга қўйиб, аямаसाқ, қисқа фурсатда Меҳрибонлик уйлари фаолиятига ҳожат қолмайди. Айтишди-ку, боланинг беғонаси бўлмайди деб.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## ДАРОМАД ЯХШИ БЎЛСА, ФАРОВОНЛИК ОРТАДИ



Президент топшириғига асосан, март ойигача республикамиздаги барча маҳаллаларда юзта хонадонда лимон ва узум кўчатларини экиш, кўча ва кўп қаватли тураржойлар атрофида узумзорлар яратиш вазифаси қўйилган.

Бу жараёнда маҳаллаларда экин етиштиришнинг самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратиляпти. Хусусан, томорқада тўксонбости экинларни экиш, очик ва ёпиқ усулда сабзавот, кўчатлар етиштириш, иссиқхонада лимон, мандарин, апельсин ҳамда бошқа цитрус меваларни парварিশлаш ҳисобига аҳоли даромадини кўпайтириш мақсад қилинган.

Айни ишлар доирасида Қизилтепа туманининг “Зиёкор” маҳалласида истиқомат қилувчи Обиддин Очиллов ўз ҳовлисидаги иссиқхонага лимон кўчатларини экди.

— 25 сотих еримиз бор, ҳозирда 10 туп лимон, 20 туп узум токини томорқада парварিশляптимиз, — дейди у. — Бундан ташқари, 20 туп анор, 1 сотихдан зиёд ерда саримсоқниёз, тўксонбости экинларини етиштиряптимиз. Мавсум давомида 70-80 миллион сўм даромад оламиз. Бунинг учун жуда катта меҳнат талаб этилади, аммо яхши даромад келса, белдаги қувват тугамас экан. Шу деҳқончилик ортидан уйлар қурдик, машина олдик, фаровонликка эришдик.

Вилоятда бугунги кунда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ёнжувон туманлари тажрибалари асосида аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиши ҳисобига кўшимча даромад манбалари яратилляпти.

Шаҳноза РУСТАМОВНА.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## “НОТУРАР ЖОЙДА УЙ КУРСАМ БЎЛАДИМИ?”

Ёрқин УМАРОВ, Тўртқўл тумани:

— Ёш оиламиз. Нотураар жой сотиб олиб, уй қурмоқчи эдик. Айтишгачи, бу вазиятда уни турар жой тоифасига расмийлаштиришнинг борми? Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак?

Мансурбек НУРИДДИНОВ, Тўртқўл тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Маъмурий регламентнинг 7-бандига кўра, туман (шаҳар) қурилиш бўлиmlари турар жойни нотураар жой тоифасига эки нотураар жойни турар жой тоифасига ўтказиш (реконструкция қилмасдан) учун рухсатнома расмийлаштиришда, ариза берувчининг сўровига кўра, кадастр паспортини расмийлаштириш ва кўчмас мулкка бўлган хужуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рухсатнома Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига электрон тарзда юборилади.

Шунга кўра, Сиз нотураар жойни турар жойга ўтказиш ҳақида ариза беришингиз лозим. Бу аризада Давлат хизматлари марказига эки электрон шаклда “my.gov.uz” сайти орқали қолдиришингиз мумкин. Юқоридаги регламентнинг 10-бандига кўра, нотураар жойни турар жойга ўтказишда рухсат беришга доир талаб ва шартлар белгиланган. Нотураар жой авария ҳолатида эмаслиги, уни бошқа шахсга ўтказишга таъқиқ йўқлиги, хонанинг мавсумий ва вақтинча яшаш учун мўljалланмагани, ижтимоий соҳа объектларида жойлашмагани шулар жумласидандир.

Давлат хизмати кўрсатгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди йиғим ундирилади.





**ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:**  
иккита гидро тўплаш  
станцияси  
қурилиши бўйича  
келишувга эришилди.



**Ўзбекистонда**  
уй-жой қурилиши  
жараёнида  
АВТОТУРАРГОҲЛАР  
ташқил этиш  
мажбурий бўлиши  
мумкин.



**3,5 мингта**  
оила фарзандлари  
олий таълим  
муассасасига  
ГРАНТ АСОСИДА  
қабул қилинади.

## Қонуний фаолият юритилса, барқарорлик таъминланади



Бугунги кунда Шовот туманидаги 55 та маҳаллага 19 нафар солиқ инспектори бириктирилган.

**Ромон ОТАЖОНОВ,**  
Хоразм вилояти солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

Улар ҳудудда фаолият юритаётган 915 та юридик шахс, 355 та фермер хўжалиги, 240 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 2 272 та ЯТТ, 23 249 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқарога, 34 911 нафар жисмоний шахсга, 34 388 та мол-мулк ва 34 281 та ер солиғи ҳамда 1 589 та декларация тўловчиси-га хизмат кўрсатяпти. “Қонуний фаолият – барқарор ривожланиш ва хотиржамлик” тамойили асосида туманда тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият

юрיתיб келган 583 та хўжалик юритувчи субъект фаолияти расмийлаштирилди. Ўз навбатида, вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган 342 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланди. Биргина декабрь ойининг ўзида 10 та бўш турган объект ишга туширилиб, 12 та янги иш ўрни яратилди. 13 277 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали муайян фаолият турлари билан шуғулланяпти. Ўтган йили “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали туман миқёсида 2 млрд. 600 млн. сўмдан ортиқ миқдорда қўшимча манба аниқланди. Жисмоний шахсларнинг турар-жой объектларидан 19 млрд. 18 млн. сўм солиқлар ундирилди. Натижада йиғилган сумманинг 10 фоизи, яъни 1 млрд. 901 млн. сўм маҳаллалар бюджетига қолди. – “Маҳалла еттилик” таркибига солиқ

инспекторлари қўшилган, энг қўйи бугун – маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган ноқонуний савдо ва товарлар савдосига чек қўйилди, – дейди Шовот туманидаги “Асавей”, “Дўстлик” ва “Оқ олтин” маҳаллалари солиқ инспектори Жасур Нуриддинов. – Фаолиятим давомида тадбиркорларга берилган кўмак ва уларни яширин иқтисодиётдан олиб чиқиш эвазига 207 миллион 453 минг сўм миқдорда қўшимча айланмадан олинган солиқ ҳисобланди ва бюджетга ундирилди. Тарғибот ишлари давомида 122 та тадбиркорлик субъектининг товар айланмаси ойига 3 млн. 500 минг сўмга ортди.

Ноқонуний фаолият юритаётган 25 нафар тадбиркорлик субъекти янгидан рўйхатдан ўтказилиб, молиявий қийинчиликка дуч келган 14 та тадбиркорга кўмак берилди. Ишчилар сони ва иш ҳақининг ошгани ҳисобига 50 та корхонада 114 нафар норасмий ишлаган ишчи ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Натижада бюджетга 72 млн. сўмдан ортиқ қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Утган йилнинг январь-декабрь ойларида 207 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Маҳалла бюджетига 85 млн. 910 минг сўмни ташқил этди. Келгусида бу борадаги ишларимиз тизимли равишда амалга оширилиб, маҳаллалардаги

солиқ тўловчиларга солиқ хизматлари кўрсатилади, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундирish ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришдаги самарадорлик кўрсаткичларимиз юқори натижаларни қайд этади. Ҳудудда имконият, салоҳият катта. Шу боис келгусида йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари сони янада ортади. Бир сўз билан айтганда, “Маҳалла еттилик”нинг жорий этилиши, аввало, аҳоли муаммоларини йиғининг ўзида бартараф этиш, қўплаб масалаларга биргаликда ечим топиш имконини яратди.



## “МАҲАЛЛА БАНКИРИ” ИШ БОШЛАДИ

Президент ташаббуси билан жорий йилнинг 1 февралига қадар аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича туман банклари филиалларида “Маҳаллабай” ишлаш бўлимлари ташқил этилиб, уларга “Маҳалла банкирлари” тайинланади. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган “ёрдамчи-агентлар” танлаб олинади.



Худудий банклар ҳамда туман ҳокимлари аҳолини тайёр бизнес лойиҳалари билан таништириб боради, уларни амалга ошириш кўникмалари ўргатилади. “online-mahalla.uz”, “bank-kredit.uz” ва “soliq.uz” ахборот тизимлари интеграция қилиниб, масъулларга юқлатилган вазифалар ижроси кунлик таҳлил қилиб борилади. Ташаббус амалга кўчди. Тошкент вилоятидаги тижорат банкларида 264 та “Маҳалла банкири” штатлари очилди. Шунингдек, жойлардаги ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган “ёрдамчи-агентлар” танлаб олинди. Маҳалла банкирлари биринчи галда ўзларига бириктирилган ҳудуднинг бизнес имкониятларини ўрганади. Маҳаллий аҳоли билан суҳбат қилган ҳолда

уларнинг фояларини тижорат лойиҳаларига айлантиради. Фуқароларнинг кредит олиши ва белгиланган тартибда қайтариши, бизнес очиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотини сотишга ўргатилади, мавжуд лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади. 2025 йилда жами 5 миллион 200 минг нафар, жумладан, банклар 3 миллиондан зиёд аҳолини банд қилиш режалаштирилган. Тошкент вилоятида эса 350 мингдан зиёд аҳоли банклар орқали банд қилинади. Шу мақсадда 22 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ўртасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Мақсадбек КЎЧҚОРОВ.

### СОЛИҚ КУНДАЛИГИ

## 2024 йил рўйхатдан ўтган АОС тўловчилар диққатига!

Агар янги ташқил этилган юридик шахсда ёки янги рўйхатдан ўтган яққа тартибдаги тадбиркорда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси рўйхатдан ўтилган санадан то календарь йил тугагунига қадар, 1 млрд. сўмдан ошса, у ҳолда бундай шахслар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Хўш, бу қандай ҳисобланади? **Биринчи мисол:** Рўйхатдан ўтиш санаси: 2024 йил 1 октябрь; **Даромад суммаси:** 300 млн. сўм; **Йил охиригача кунлар:** октябрь – 31 кун, ноябрь – 30 кун, декабрь – 31 кун. **Жами = 92 кун.** **Назорат суммаси:** 1 млрд. сўм ÷ 365 кун × 92 кун = 252,05 млн. сўм. Фаолият даври учун 300 млн. сўм даромад суммаси 252,05 млн. сўм назорат суммасидан ошган (300,0 > 252,05). Демак, солиқ тўловчи 2025 йил 1 январдан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

**Иккинчи мисол.** Рўйхатдан ўтиш санаси: 2024 йил 1 октябрь; **Даромад суммаси:** 200 млн. сўм; **Йил охиригача кунлар:** октябрь – 31 кун, ноябрь – 30 кун, декабрь – 31 кун. **Жами = 92 кун.** **Назорат суммаси:** 1 млрд. сўм ÷ 365 кун × 92 кун = 252,05 млн. сўм. Фаолият даври учун 200 млн. сўм даромад суммаси 252,05 млн. сўм назорат суммасидан ошмаган (200,0 < 252,05). Бу ҳолатда солиқ тўловчида 2025 йил 1 январдан ҚҚС ва фойда солиғини тўлаш мажбурияти мавжуд эмас.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

## 134,8 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташқил этилди

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, “Маҳаллабай” ва “Қорхонабай” ишлаш тизимлари ҳамда соҳани рақамлаштириш борасидаги ишлар натижаси солиқ тўловчиларини сезиларли даражада амалга оширди.

**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Солиқ қўмитаси  
Ахборот хизмати раҳбари.

Хусусан, солиқ органлари республика бўйича бюджетга 199,6 трлн. сўм солиқ тушумларини таъминлаб, 2023 йилга нисбатан 20 фоизга ўсишга эришилди. Туман ва шаҳарлар бюджетига тушумлар 24 фоизга ошди. Худудлар кесимида Тошкент шаҳрида 27 фоиз, Сирдарё вилоятида 25 фоиз, Тошкент вилоятида 23 фоиз юқори ўсиш кузатилди.

**Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари** 31,4 фоизга (+1,4 трлн. сўм) ўсди. Хусусан, Тошкент шаҳрида (63,6 фоиз), Тошкент вилоятида (42,5 фоиз), Андижон вилоятида (37,6 фоиз), Сурхондарё вилоятида (32,2 фоиз) ўсиш даражаси юқори бўлди. **АОСдан** 2,8 трлн. сўм туширилиб, ўтган йилга нисбатан 17,5 фоизга (+421,4 млрд. сўм) ўсди. Жумладан, Бухоро (22,8 фоиз), Наманган (22,8 фоиз), Хоразм (22,3 фоиз), Тошкент (20,2 фоиз) ва Андижон вилоятларида (20 фоиз) республика даражасидан юқори ўсди. **Фойда солиғи** 29,1 фоизга (+11,9 трлн.), жумладан, йирик солиқ тўловчилар бўйича худудларо солиқ инспекцияси 30,8 фоизга

ва худудларда 19,6 фоизга ўсди. Бу борада Сирдарёда 1,8 бараварга, Қорақалпоғистон Республикасида 1,5 бараварга, Хоразмда 1,4 бараварга тушумлар ўсиб, республика даражасидан юқори.

**ҚҚС 16,4 фоизга** (+5,6 трлн) ўсди. Жумладан, Сирдарёда 39,2 фоиз, Тошкент шаҳрида 31,7 фоиз, Тошкент вилоятида 27,6 фоиз, Жиззахда 25,8 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 23,7 фоиз ўсди ёки республика даражасидан юқори. Бундан ташқари, солиқ органлари ходимларининг манзилли кўрсатган амалий ёрдамлари натижасида вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 64,5 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди, 134,8 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташқил этилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш имконини берувчи “Автокамерал” тизими натижасида 37,9 трлн. сўмга ихтиёрий равишда қайта ҳисоботлар тақдим этилиб, хатоликлар бартараф этилди ҳамда 13,8 трлн. сўмлик молиявий жарималар қўлланилишининг олди олинди. Бугунги кунда ҳисоб-варақ-фактура ва касса чеклари 100 фоиз электрон



шаклда расмийлаштирилмоқда. Бу маълумотлар ҳисоботларда автоматик акс этиб, уни автоматлаштириш даражасини оширишда энг муҳим восита бўлди. **Хисоботларни автоматлаштиришга оид айрим фактлар:** ҚҚС 93 фоиз, ер, мол-мулк солиқлари ҳамда АОС ҳисоботи 100 фоиз автоматик шаклланди. ЭХФлар бўйича жами товар айланмаси 2023 йилга нисбатан салкам 17 фоизга ўсди (ҚҚС билан), онлайн-НКТ орқали 1 мил-

лиардан ортиқ чек расмийлаштирилиб, улар бўйича айланма 261,1 трлн. сўмни ташқил этди. “Қуёшли хонадон” хизмати орқали 10,2 минг нафар фойдаланувчига 11,6 млрд. сўм, “Ижтимоий кешбэк” хизмати орқали 135,7 мингта фойдаланувчига 24,6 млрд. сўмлик субсидия бюджетдан қайтарилди. Шунингдек, харидорларга берилётган онлайн чеклар таҳлили орқали қайси ҳудудда қандай дориларга талаб кучайган-

лигига қараб, касалликларни олдини олишга қарши тезкор қарор қабул қилиш имконияти яратилди. Бу яқин келажакда ҳар бир маҳсулот бўйича истеъмол эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш имкони пайдо бўлади. Бу эса бюджет маблағлари тақсимида аҳоли эҳтиёжига қараб, истеъмол товарлари импорт-экспорти, ишлаб чиқариш ёки етиштириш ҳажмининг олдиндан белгилашга имкон беради.

**Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингига ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлди.** Ҳозирда “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини” электрон онлайн платформасида жами 520,6 мингта тадбиркорлик субъекти баҳоланган. Бугун тадбиркорликка яратилган қўлай шароитлар сабаб, тадбиркорлар билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. **31 минг тадбиркор барқарорлик рейтингини яхшилаб, ҳалол тадбиркорлар сафини кенгайтирмоқда.**

Умумий юқори рейтингдаги тадбиркорлар сони 4,5 бараварга қўпайиб, жами 7,5 мингдан ошди. ААА рейтингдаги тадбиркорларнинг 1107 тасига 1,9 трлн. сўмлик ҚҚС суммаси 1 кунда текширувланган қайтариб берилган.

### ТАҲЛИЛ



Йил якунигача  
Ўзбекистонда  
“АИ-80” бензинини  
сотиш  
ЧЕКЛАНИШИ МУМКИН.



“МУТОЛАА”  
ЛОЙИХАСИ: энг кўп  
китоб ўқиган китобхонга  
электромобиль  
совға қилинади.



Янги туғилган  
болалар учун  
ДЕПОЗИТЛАРНИ  
ОЧИШ ташаббуси  
илгари сурилмоқда.

# “РАЗГОН”

## фиррибгарлар фиррибди янгича тус оляшти

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Сўнги вақтларда фиррибгарликнинг турли виртуал шакллари авж олмоқда.

**Мақсадбек КЎҚОРОВ.**

Хатто ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар органлари раҳбарлари номидан телеграмда сохта аккаунт очган ҳолда фуқароларга турли мурожаатлар юбориш ҳолатлари учраяпти.

Унутмаслик керакки, тизимдаги бирор бир раҳбар сизга телеграм орқали мурожаат қилмайди ҳамда сиздан ўз ҳисобингиздан пулни бошқа ҳисобга қўйишингизни, нақд кўринишида кимдир тақдим этишингизни сўрамайди.

Шу кунларда биткоин ва бошқа криптовалюталар нархи юқорилаши билан шу соҳадаги фиррибгарлар фаоллашиб қолди. Шундай фиррибгарликлардан бири – ижтимоий тармоқлар ҳамда телеграм мессенжерлардаги турли гуруҳ ва каналларда “Разгон” номи остида трейдерлик, крипто-активлар савдоси орқали қисқа муддат ичида кескин бойиб кетиш мумкинлигини таъкидлаш орқали инсонларни алдаб, пулларини ўғирлашга ҳаракат қилляпти.

Хўш, “разгон” ўзи нима? Ички ишлар вазирлиги тезкор-кидирув департаменти

Киберхавфсизлик маркази ходими Лочинбек Атоевнинг маълум қилишича, “разгон” мавзуси ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида янги талқин этилган, яъни муайян бир биржадаги товар-махсулот ёки крипто-активнинг бир вақтнинг ўзида кескин ошиб боришидир.

Мутахассиснинг таъкидлашича, “Разгон” номи остида тезда бойиб кетиш ҳақида тарқатилаётган хабарлар ҳақиқатга мос келмайди. Сабаби, тезда бойиб кетиш ёки бир вақтнинг ўзида катта даромад олиш бирор алгоритмга ёки молиявий билим ва қоидаларга тўғри келмайди. Қолаверса, ўрганишлар давомида “Разгон” номи остидаги профилларда тарқатилаётган ахборотларнинг ишончлилигини таъкидловчи маълумотлар мавжуд эмаслиги, профилларда биржа савдолари қимматли қоғозлар, крипто-активлар ва товарларнинг муайян вақт оралиғидаги ўсиш-камайиш тенденциялари нусхалари жойлаштирилгани аниқланган.

Маълумки, бойликка, айниқса, тез бойиб кетишга мойиллик инсон табиатида хос хусусият. Кибер оламида кам миқдордаги пулларни тезда кўпайтиришни ўргатаман дегувчилар ҳам одамларнинг айнан ана шу психологик ҳолатидан фойдаланмоқда.

Ёдингизда тўғри, трейдерлик фаолияти бевосита биржа савдолари билан боғлиқ бўлиб, унда муайян қонун-қоидалар, молиявий билимларга таянган ҳолда савдо операцияларни амалга ошириш лозим. Акс ҳолда пулларингиздан айрилиб қолишингиз мумкин. Чунки биржа савдолари таваққалчиликка асосланган. Шу сабабли айни мавзу бўйича турли хил хабарларга алданиб қолманг.

Ўзбекистон Республикасида крипто-активларнинг муомаласи давлат томонидан тартибга солинган. Бу бўйича ваколатли давлат ташкилоти бор. Бундан ташқари, тегишли тартибда руҳсатнома ҳамда лицензияларни олган ҳолда шуғулланиш лозим. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мазмурий ва Жиноий жавобгарлик кодексларида кўрсатилган жавобгарликка сабаб бўлади.

## “Сарик”дан “яшил”га бир ой кифоя бўлди

Орол денгизининг қуриши табиат ва инсониятга қанчалик катта талофат келтирганига бир ой дўрқин ўзим гувоҳ бўлиб турибман.



**Адҳамжон АБДУЛЛАЕВ,**  
Мўйноқ туманидаги  
Учсой овул  
фуқаролар йиғини  
профилактика  
инспектори, капитан.

Наманган вилоятидан бу ерга хизмат ишимни кўчирмасимдан олдин кўпчилик юртдошларимиз каби Оролбўйи худудларида ашаётган бовурларимизнинг ҳолатидан фақат телевизор ва интернет орқали хабардор эдим.

Бу ерда иқлим, турмуш тарзи водийдан бироз бошқача, лекин халқи меҳмондўст. Шу боис учсойликлар билан тез тил топишиб

кетдим. Овулда бир минг уч юз нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар куни 4-5 та оилага кириб, ўзимни таништириб, уларнинг яшаш шaroити, ким нима билан машғул эканини ўрганиб чиқяпман. Ўз навбатида, йиғин оsoйишталигини таъминлаш учун шахсий телефон номеримни беряпман. Ҳозир 80 нафар фуқаро чет элга ишлаш учун кетган. Худудда бирор ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Икки юзга яқин газ қудуқларида аҳолининг атиги 10 фоизи ишлайди. Шу

сабаб, баҳор мавсумида бу рақамлар яна ортиши мумкин.

Овул худуди катта – 160 километргача чўзилган. Шу боис хонадонлар анча тарқоқ жойлашган. Фуқароларнинг асосий қисми чорвачилик ортидан кун кечирмоқда. Айримлари овулдаги 6-умумтаълим мактаби ва унинг филиали ҳамда битта давлат боғчасида меҳнат қилмоқда. Бир қисми савдо ва маийш хизмат кўрсатиш шохбчаларида банд.

Худуд кенг яйлов ва тўқайзорлардан иборат бўлгани учун чорва моллари боқишга анча қулай. Лекин ҳеч ким чорва

молларини ҳайдаб ёки боғлаб боқмайди, ҳамма тўқайзорларга қўйиб юборади. Ойда бир ёки икки марта хабар олишади, холос. Бироқ назоратсиз қолдирилган чорва моллари орасида йўқолишлар ёки ўлим ҳолати юз бериши табиий. Шу боис ўғрилиқнинг олдини олиш учун хонадонма-хонадон юриб, аҳолига молларини назоратсиз қолдирмасликларини тайинлаб, тушунтириш ишларини олиб боряпман.

Баъзи учсойликлар 170 километр йўл босиб, Орол денгизидан “Артемия салина” номи қурт териб келиб, Хитойга экспорт қилиш билан шуғулланар экан.

Йиғиндаги “Мўйноқ қўлтиги” кўли улар учун ягона ҳаёт манбаи. Орол денгизидан ажралиб қолган ушбу

кўлга энди-энди Амударё сувининг охириги ирмоқлари етиб келмоқда. Агар ушбу кўл сувга тўлса, бу ерда чорва моллари ва балиқчиликни ривожлантириш мумкин.

Овул фуқаролари бир-бирини яхши танийди. Шу боис турли ҳуқуқбузарлик ёки оилавий келишмовчиликлар йўқ. Шундай бўлса-да, аҳоли билан учрашувларда мавжуд хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб боряпман. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шaroитлар “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик тузилмалари билан тизимли ўрганиляпти. Шу тариқа 2024 йил битта ўғрилиқ сабаб

“сарик” тоифада бўлган овулимиз ҳозир “яшил” тоифага ўтди. Келгусида тунги кузатув назорат тадбирлари ташкил этиб, замонавий видеокузатув қорилмалар сонини кўпайтирамиз.


Кувонарлиси, шундай олис худудда аҳоли учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хизмат уйим бўлмаса-да, йиғин идорасида “еттилик”нинг ҳар бир аъзоси учун етарли шароитлар мавжуд. Излаган имкон топар, деганларидек, бор имкониятларни ишга солиб, овулни жиноятдан холи этилиши сабаблари, худудга айлантириш йўлида кечаю кундуз учсойликлар хизматидамиз. Бу борада “маҳалла еттилиги” аъзолари энг яқин кўмақдошимга айланган.



## Ходимларни оммавий ишдан бўшатиш мумкинми?

**Шахрибону БЕКМУРОДОВА,**  
Тошкент вилояти:

– Яқинда иш фаолиятимиз тўхтаптилиб, барча ходимлар бир вақтнинг ўзида ишдан бўшатилиди. Энди ишсиз қолдик. Қонунчилигимизда оммавий ишдан бўшатиш бўйича нима дейилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз...



**Сарвар МАМАДИЕВ,**  
хуқуқшунос:

– Қонунчиликка кўра, ходимларнинг сони 20 нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклдаги ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси)ни тугатиш орқали ходимларни оммавий ишдан бўшатиш

мумкин. Бу жараёнда ишда бўшатилаётган ходимлар сони (штати) қуйидаги миқдорда бўлиши керак:

- 30 календарь кун ичида 50 нафар ва ундан ортиқ;
- 60 календарь кун ичида 200 нафар ва ундан ортиқ;
- 90 календарь кун ичида 500 нафар ва ундан ортиқ ходимни қисқартириш талаби қўйилган.

Аммо маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорларни ушбу кечиктириш келтириб чиқарган йўқотишларни иш берувчига бир вақтнинг ўзида қисман ёки тўлиқ компенсация қилиш орқали 6 ой муддатгача тўхтатиб туриши мумкин.

Менда савол бор...

## “Аёллар дафтари”дан тадбиркорлик сари

Жойлардаги хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан. Биргина Паркент тумани мисолида айтсак, 2024 йилда “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган 3 минг 888 нафар хотин-қизнинг 182 нафарига имтиёзли кредит ажратилди.



Натижада ишсиз аёллар билан бирга, ўнлаб иш қидираётган, аммо хунарли ёшларнинг ҳам доимий иш билан таъминланишига эришилди. Хусусан, “Самар-обод” маҳалласида истиқомат қилувчи Фотима Боева бир неча йиллар аввал рўзгорининг майда юмушларидан ортмаётган оддий уй бекаси эди. Эндиликда у тадбиркор аёл сифатида ишон билан ҳаракат қилмоқда. Унинг айтишича, хонадонига хатлов юзасидан келган маҳалла вакиллари билан атрофлича суҳбатлашган ва 2022 йилда имтиёзли равишда 29 миллион сўм кредит олди. Маҳаллий фермерлардан майиз харид қилиб, навлар асосида қадоқланган махсулот сотувини йўлга қўйди.

– Изланган ва имкон истоганга шароит бор экан, – дейди Фотима Боева. – Бир неча йил давомида қайтариш керак бўлган кредитни даромадимиз яхши бўлгани сабаб муддатидан олдин тўладик. Яна бир ташаббус асосида 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитни нақд шаклда олдик. Бунинг натижасида ўндан зиёд аёллар ишли бўлди. Улар ўз уйларида бўлган ҳолда узумни қуритиб, майизни қадоқлаб, ҳар ойда 3-4 миллион сўм даромад топмоқда. Ўзимиз йилига 120 миллион сўм соф даромадга эга бўлдик. Яшаш шароити яхшиланди, ҳозирда ўғлим ва келишимни ўқитмоқдам.

Ҳозир бу онахон “Аёллар дафтари”дан чиқиб, давлат кўмаги асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга ҳомийлик қилмоқда. Бундан кўринадики, берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳаракат ва ишбилармонликда гап катта.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
журналист.



Диний экстремизм ва терроризмни ТАРҒИБ ЭТУВЧИ манбалар "Meta" ва "Telegram"да кўплиги маълум бўлди.



Ўзбекистондан Хитой, Россия ва қўшни давлатларга АВТОБУС ҚАТНОВЛАРИ йўлга қўйилади.



"The New York Times" газетаси Бухорони 2025 йилда ташриф буюришга АРЗЎЙДИГАН ШАҲАРЛАР қаторига киритди.

## Ёрдам манзилига етиб борди

КўМАК

Когон туманидаги "Тараққиёт" маҳалласида 3 минг 448 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, уларнинг 53 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади.



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Маъмур маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолият юритувчи Мадинабону Хошимова саяҳат-ҳаракати билан мавжуд 53 нафар эҳтиёжманд аҳолининг 28 нафари кизиқиши бўйича касб-хунарга йўналтирилди. Бандлиги таъминланган, доимий даромадга эга бўлиши натижасида реестрдан чиқарилди.

Шундай хонадонлардан бири Шуҳрат Рафуров ва Дилдора Очилова оиласи бўлиб, ижтимоий ходим "Кейс менежмент" усули асосида уларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиш ва кўрсатиладиган хизматлар режасини ишлаб чиқди.

Биринчи навбатда эр-хотин ва уларнинг фарзанди Алибек чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Дилдора Очилова ва Шуҳрат Рафуровга ногиронлик гуруҳи белгиланди. Алибек имтиёзли равишда боғчага жойлаштирилди.

Дилдора опа тикувчилик корхонасига, Шуҳрат ака эса "Kogon collection" масъулияти чекланган жамиятига ёрдамчи ходим лавозимига ишга жойлаштирилди.

"Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларнинг хонадонига иситиш тизими ўрнатиб берилди.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Камола РАҲИМОВА. Ёғждувон тумани:

— Ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган болалар фарзандликка олиниши мумкинми?

## "Фарзандликка бола асраб олмоқчиман..."



Хуршид АВЕЗОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси шўъба мудир:

— Конунчиликка кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, муқобил жойлаштиришнинг шакллари йўналтириш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибига мувофиқ куйидагилар фарзандликка олинади:

- ота-онаси вафот этган;
- ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган;
- ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган;
- ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган;
- ота-онаси бир йилдан ортқ мuddат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган;
- ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортиган;
- ота-онаси бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган болалар.

Шунга кўра, Сиз қайд этган ҳолатда, яъни ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган болаларни фарзандликка олиш мумкин.

Камбағаллик — ижтимоий, иқтисодий, тиббий, психологик ёрдамга муҳтожликни, яъни ривожланишдан, даромад ва баъдлик нуқтаи назардан бирмунча ортда қолганини англатади. Ваҳоланки, илгари камбағал фуқаролар мавжуд, деган тушунчани имкон қадар яширишга уринардик.

МАҚСАД САРИ

## Фаровон турмуш сари илдам одимляшимиз

Адолат МЎМИНОВА, журналист.

Балки ҳар томонлама ривожланиб бораётган давлатга бу сўз ярашмайди, аҳолининг камбағал қатлами бўлиши дунё ҳамжамиятида тутган ўрнига путур етказди, қабилида шундай йўл тутилгандир. Бироқ бугун очик-ойдин камбағаллик тушунчасига кенг аҳамият қаратилиб, орамизда камбағалликда яшаётган фуқаролар борлиги тан олинди. Аҳолининг яшаш ва меҳнат шароитини, бундай вазиятга тушириб қўйган ҳолатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, хаётга татбиқ этилаётди.

— Аҳолининг камбағал қатламини фаровонлик сари етаклашда муҳим ислохотлар аллақачон бошлаб юборилди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиги Мухиддин ТОВАЕВ. — 2025 йилда вилоятимизда амалий ишларни изчил давом эттириш белгиланган. Олдимизда турган энг биринчи ҳақсиз, аввало, маҳаллалардаги ҳақиқий ҳолатни, камбағалликда кун кечираётган, ҳар томонлама кўмакка муҳтож аҳоли қатламини аниқлаб олишдан иборат. "Маҳалла еттичилиги" билан биргаликда вазиятни ўрганиб, фуқара ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама камбағал деб топилганда, мутахассислар "фуқаробой" шаклда индивидуал дастур ишлаб чиқишади. Кимгадир психологик ёрдам керак, кимнингдир фарзанди тиббий кўмакка муҳтож. Айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-психологик, иқтисодий аҳоли ҳамда имкониятини ишга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада одамлар фақат давлатга ва у бераётган кредит, қарз, моддий ёрдамга кўз тикмасдан, ўз имкониятини ишга солишга интилоқда. Камбағал фуқаролар босқичма-босқич аниқ режа асосида камбағалликдан чиқариляпти.



Айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-психологик, иқтисодий аҳоли ҳамда имкониятини ишга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб этиш чоралари ҳам кўриляпти. Айни вақтда бошқарма масъуллари маҳаллаларда "Ғамхўрлик" гуруҳлари ташкил этиб, имконияти чекланган болаларни тарбиялайдиган кичик гуруҳлар фаолиятини йўлга қўймоқда. Жалб этилган мутахассислар ва тарбиячилар ота-она ишда бўлган вақтда, болани ўша гуруҳларга олиб боришади. Бунда бола таълим-тарбия олади, ўз эҳтиёжларини мустақил қондиришни ўрганади, жамоа билан бирга ишлайди.

— Тан олишимиз керакки, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли билан бир қаторда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, боқимандалик кайфиятида яшаётган фуқаролар ҳам, минг афсуски, орамизда мавжуд, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси Ижтимоий хизматларни мониторинг қилиш шўъбаси бош мутахассиси Анвар ЖУРАНАЗАРОВ. — Мақсадимиз ана шундай фуқаролар билан ишлаб, уларни ҳам жамиятнинг фаол қатламига айлантиришга кўмаклашишдан иборат. Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ягона реестрида 79 минг 789 нафар фуқаро болалар нафақаси олади, моддий ёрдам олувчилар сони 1 минг 447 нафарни ташкил этади. Бу эса ўз-ўзидан давлатдан кўмак кутаётган, ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтож аҳоли сони кўпلىгидан далолатдир. Айнан шунинг учун камбағал фуқаролар билан нафақат иқтисодий, балки психологик жиҳатдан ишлаб, уларнинг "онгини

уйғотиш"га ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил бошидан вилоятда фаолият юритаётган 15 нафар супервайзер ҳамда 15 нафар психологлар танлаб олинди, улар "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида ўқитилиб, камбағал фуқароларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, маълум бир соҳага йўналтиришга жалб қилинди. Натижада фуқароларнинг қобилиятлари аниқланди, кучли ва заиф томонлари комплекс ўрганилиб, уларнинг мустақил фаолият юритиб, рўзгорини удаллаши учун шароит яратилди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ва мақсадлар улкан. Йил бошидан маррани катта олиб, бошқарма томонидан жиддий ишларга киришилганки, камбағаллик чекинди, аҳолининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-психологик ҳолати яхшиланиб, фаровон турмушга қадам қўйса, не эжаб.

Камбағал фуқаролар билан ишлаб, уларнинг "онгини уйғотиш"га ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### МАНЗАРА

Хонадонларга кирганда, аёлларга кўпроқ рўзгор тутумида саранжом-сарийшта бўлиш, озодаликка риоя қилиш ҳақида гапираман. Агар оилада аёл зукко бўлса, ўз ўрни ва ҳурматини топади. Турмуш ўртоғининг меҳрини қозонади. Бахтли ва аҳил-иноқ яшаётган эр-хотинларни кузатсангиз, уларнинг бу фаровон турмушида аёлнинг ҳиссаси катта экани яққол намоён бўлади.

## Аёл бўлса саришта, унун бўлар ҳар ишда



→ Мухаббат УМАРОВА, Шўрчи туманидаги "Зарбдор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда 1 минг 886 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Кунинг уларнинг 10 нафаридан кўпроғи билан сўхатлаштиришга ҳаракат қиламан. Кизиқликлари, мақсад ва режалари ҳақида сўрайман. Бирор ёрдамга эҳтиёжи бўлса, керакли хизматларни кўрсатаймиз. Шу зайдла бугунга қадар анчагина опа-сингилларимизнинг яшаш шароити ва имкониятларини яхшилашга эришдик.

Моҳира Худойназарованинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига 5-6 йилча бўлиб қолди. Аввалгига кичик

савдо шохбачаси ташкил этган аёл, бора-бора ўз фаолиятини кенгайтиришга эришди. Ҳозирги кунда озик-овқат дўконидан турфа хилдаги маҳсулотлар сотиб, халқ қорига яраяпти. Бундан ташқари, уйда турли-туман пишириқлар тайёрлаб, тўй ва байрам дастурхонларини безашга муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Келгусида кичикроқ тикувчилик корхонасини очилишни ният қилиб турибди. Шу орқали ишсиз аҳоли учун янги иш ўринлари очилиши режалаштирган. Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 миллион ва 33 миллион сўм миқдорида икки марта имтиёзли кредит олишига ёрдам бердик. Бу маблағлар эвазига у шароитини анча яхшилаб, бир неча музлатгич харид қилди. Айни вақтда 3-4 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаб келмоқда.

Мухайё Пардаеванинг тикувчилик бўйича анча йиллик тажрибаси бор. Шу боис хунаридан унумли фойдаланиш мақсадида кичик тикув корхонаси ташкил этди. У ерда 7-8 нафар аёлнинг доимий бандлиги таъминланган. Хунармандага ёрдам бериш мақсадида субсидия асосида 3 та тикув машинаси тақдим этилди.

Маҳалладаги турли муаммоларни ҳал этишда раисимиз Манзура Йўлдошева доимий ёрдамчимиз. Узининг кўп йиллик тажрибасига таяниб, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни кўрсатишдан сира чарчамайди. Қолаверса, ёши улғу онахонимиз Норсоат Назарова оилаларни

мустаҳкамлигини таъминлаш, низоларни бартараф этишда ҳамisha биз билан ёлқадш. Уларнинг кўмаги билан ўтган йили 14 та оилани муросага келтиришга эришдик. Бирорта ажрალიш ҳолати қайд этилмади.

Янги бошланган йилда олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз. Биринчи навбатда, эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ишсизларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Ҳомийларни жалб қилган ҳолда уларнинг шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўйишни мақсад қилганмиз.

Қолаверса, маҳалламиз ҳудудда ширинлик пиширадиган цех ва гўзаллик салони очилишни ният қилганмиз. Шу билан яна бир неча янги иш ўринларини ташкил этишга эришган бўламиз.



**АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ**  
50 миллион эвро эвазига  
“Манчестер Сити”га  
ўтади.



**Олимпиадада**  
**БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ**дан  
мағлуб бўлган  
Теремоана Жуниор  
реванш сўради.



**Тунисда қилчбозликнинг**  
**сабля йўналиши бўйича**  
**ўтказилаётган ГРАН-ПРИ**  
**турнирида ҳамюртларимиз**  
**иштирок этяпти.**

**БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!**

**Соғлом овқат**  
**юрракка қувват**  
**бўлади**



**Саломатлик — энг буюк неъмат.**  
Уни асраб-авайлаш билан  
тўлақонли ҳаёт кечирishга  
эришиш мумкин. Айниқса,  
бу юрак-қон томир тизими  
хасталиklarини олдини олиш  
ва даволашда жуда муҳим  
саналади. Бунинг учун ўзига  
хос қонун-қоидаларга риоя  
қилиш талаб этилади.



**Фойдали тавсиялар:**

- *ғўшт маҳсулотларини ҳафтасига кўпи билан 300-350 грамм истеъмол қилган маъқул;*
- *ҳафтасига камидан бир марта балиқ маҳсулотлари тановул қилиш тангага қувват бағишлайди;*
- *кунига 30-80 грамм ёнғоқ ёки туз қўшилмаган писталар (кунгабоқар, хандон писта, қовоқ уруғи) ейиш керак;*
- *спиртли ичимликлар бутунлай таъқиқланади;*
- *шакарли ичимликлар, жумладан, мева шарбатлари ичиш тавсия қилинмайди.*

**Асосий қоидалар:**

- *қон босими 140-90 мм. симоб устунидан паст бўлиши лозим;*
- *тамаки чекмаслик ва спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик;*
- *қонда умумий холестерин даражаси 5 ммол/1 дан паст бўлиши керак;*
- *5 000 қадам пиеда юриш ёки ўрта даражадаги 30 дақиқалик jisмоний фаоллик билан шуғулланиш;*
- *доимий соғлом овқатланиш;*
- *семизлик ва қандли диабетнинг 2-турининг олдини олиш;*
- *руҳий зўриқишга чидамли бўлиш.*



**Овқатланиш тамойиллари:**

- *юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда кўпроқ ўсимлик ва дуқакли маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Улар оқсилга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга эга;*
- *туз истеъмолини чеклаган маъқул. Бунда кунига 5 граммдан кўп эмас, яъни бир чой қошиқ миқдори меъёр саналади;*
- *трансёғлар миқдорини чеклаш зарур, улар маргарин, фаст-фуд, қандолат ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларида учрайди.*
- *кунига 200 грамм ва ундан кўпроқ мева ва सबзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади.*




**Азиза ШИРИНОВА,**  
**Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси**  
**Марказий кўп тармоқли поликлиника бошлиғи.**

**СТАТИСТИКА**

**Асосий хавф омили қайси?**

Америка саратон касалликлари жамияти ўтказган янги тадқиқотга кўра, саратон билан касалланишнинг асосий хавф омили — чекиш. Кейинги ўринларда ортиқча вазн, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, jisмоний ҳаракатсизлик ва одам папиллома вируси каби инфекциялар мавжуд.



Бугун мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳаси илгўр хорижий тажриба ва мутлақо янги ёндашувлар асосида пеллоқ қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

**Д**авлат раҳбарининг “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилиши аёллар саломатлигини асраш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи қабул қилиниб, унда келгусидаги қатор устувор вазифалар белгиланди. Хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғинида 30-65 ёшдаги аёлларнинг электрон базаси шакллантирилиб, уларни тиббий кўриққа таклиф қилиш тизими яратилмоқда.

Ҳар йили 30-50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Манфий натижа аниқланганда, улар 10 йилдан сўнг қайта текширувдан ўтказилади. Натижа мусбат бўлганда эса аёллар кўшимча текширувга йўналтирилади.

**АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ**



Саратонли ҳолатлар аниқланган аёллар амбулатор даволашни учун Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг худудий бўлимларига йўналтирилади.

бези саратони текшируви 45 ёшгача бўлган аёлларда ультратовуш диагностикаси усулида, 45-65 ёшдаги аёлларда эса маммография орқали амалга оширилади.

Скрининг натижасида онкологик касаллик аниқланган беморларни ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ғулом ҚОСИМОВ. Тошкент шаҳри:

— *Коллежда ўқиб юрган вақтларимда баъзан автобусдан йўлқирани бермасдан тушиб кетардим. Бу ишнинг оғир гуноҳ эканини англаб етдим. Буни қандай тўғрилашим мумкин? Тахминий ҳисоблаб, садақа қилсам бўладими?*

**“Тўланмаган йўлқирани қандай адо этаман?”**



Шуни ёдда тутиш лозимки, бировларнинг ҳақларини, энг аввало, эгасига қайтариш шарт бўлади. Эгаси ёки унинг меросхўрларини топишнинг иложи умуман бўлмагандагина унинг номидан садақа қилинади.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:**

— Сиз бу ишингиз учун, аввало, истиффор айтиб, тавба қиласиз. Тўланмаган йўлқиранингизни тахминий ҳисоблайсиз ҳамда ўзингиз фойдаланган автобуслар бошқармасидан йўлқиралар тўланадиган ҳисоб-рақамлари бўлса, қарзларингизни шунга ўтказиб қўясиз. Шу билан зиммангиздаги юқдан қутуласиз. Агар уларда бундай имконият бўлмаса, садақа қилиб юборасиз.

**ИЧКИ ХОҲИШ БЎЛСА БАС, ТАМАКИДАН ҚУТУЛАСИЗ!**

Ҳозир дунё бўйича 1,25 миллиард нафар чекувчи бор. Уларнинг 60 фоизи — 750 миллиондан ортиғи бу иллатдан халос бўлишни истайд. Аммо шундан 70 фоизи бунга кўмаклашувчи самарали хизматлар ва воситалардан фойдаланиш имконига эга эмас.

**Малика НУРМУҲАММЕДОВА,**  
**терапевт.**

Бу омиллар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамаки қарамлигидан қутулишга доир клиник қўлланмани ишлаб чиқиши учун асос бўлди. Ташкилот раҳбари Тедрос Гебрейесусининг таъкидлашича, катталар учун мўлжалланган ва қарийб барча турдаги тамаки маҳсулотлари истеъмолдан халос бўлишга ёрдам берувчи ушбу йўриқнома мазкур хавфли иллатга қарши глобал миқёсда курашиш борасида муҳим қадамдир.

Қўлланмада тамакига қарамликни даволашда варениклин дори воситаси, никотинни алмаштириш терапияси, бурпропион антидепрессанти ва цитизин препаратидан фойдаланиш тавсия қилинган.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларида режали тиббий ёрдам сифатида хулқий терапияни қўллаш мақсада мувофиқлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, мазкур жараёнда электрон матнли

**САЛОМАТЛИК**



хабарлар, смартфон иловалари ва интернет дастурлари каби рақамли технологиялар яхши самара бериши мумкин.

ЖССТ соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар чекишга қарши курашиш ва миллионлаб одамлар саломатлигини яхшилашда ушбу кўрсатмаларни амалиётда жорий этиши ижобий натижа беради, деган хулосага келишган.



**Mahalla**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 7 950 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-120

